

**ТУБЕРКУЛЁЗГА ЧАЛИНГАН БЕМОРЛАРДА ИЖТИМОЙ ВА ПСИХОЛОГИК МУАММОЛАР: РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ ЖАНУБИЙ ХУДУДЛАРИДАГИ ҲОЛАТ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР (2020-2024)**

Тошкент Тиббиёт Академияси Термиз филиали Фтизиатрия мутахассислиги  
1- курс ординатори.

gmail ilyosiddinxurramov@gmail.ru

**Хуррамов И.А**

Тошкент Тиббиёт Академияси Термиз филиали Юқумли касалликлар, дерматовенерология, фтизиатрия ва пульмонология кафедраси ассистенти

e-mail [akbar2585@mail.ru](mailto:akbar2585@mail.ru)

**Холбаев А.Ю.**

**АКТУАЛЛИК:** Туберкулёз - нафақат жисмоний саломатликка таъсир этадиган касаллик, балки беморларда ижтимоий-иқтисодий, психологик ва махсус ижтимоий стигма билан ҳам боғланган ҳолатларни келтириб чиқаради. Даволаш жараёни узок, дориларнинг таъсири салбий, хавfli дорига чидамли турлари мавжудлиги, беморларнинг ижтимоий қолишади, оилада ёки жамоада изоляция, психологик бой берилиш кузатилиши мумкин. Ўзбекистон Республикасида 2020-2024 йилларда туберкулёз касаллигига чалинган беморларда ушбу муаммолар бўйича маълумотлар ортапти, айниқса “Psychosocial counselling” каби интервенциялар MSF ва бошқа ташкилотлар томонидан жорий этилмоқда.

**Тадқиқот мақсади:** 2020-2024 йиллар оралиғида туберкулёз касаллигига чалинган беморларда ижтимоий ва психологик муаммоларнинг турлари, тарқалиш омиллари ва натижадаги таъсирини Республикамиз миқёсида аниқлаш; шу муаммоларни камайтириш учун жорий қилинаётган чораларни таҳлил қилиш ва самарали таклифлар ишлаб чиқиш.

**Материаллар ва усуллар:** Тадқиқот 2022–2024 йиллар давомида Республикамизнинг жанубий худидларидаги фтизиатрия ва пульмонология марказларида олиб борилди. Ушбу муддат ичида дорига чидамли туберкулёз билан чалинган 100 нафар беморнинг клиник ва лаборатор маълумотлари таҳлил қилинди.

Диагностика усуллари сифатида қуйидагилардан фойдаланилди:

- GeneXpert MTB/RIF молекуляр таҳлили,
- Кўлтурада микобактерия етиштириш (ВАСТЕС MGIT 960),
- Қон биокимёвий таҳлиллари,
- Спутум ПЦР таҳлили ва рентгенография.

Даволаш протоколлари сифатида ЖССТ тавсия этган:

- Бедаквилин, Линезолид, Деламамид, Клофазимин асосидаги қисқа ва узок муддатли схемалар,
- Янги авлод фторхинолонлар (левофлоксацин, моксифлоксацин) қўлланилди.

Услубий ёндашувлар: ретроспектив таҳлил, клиник статистика, даволаш динамикасини солиштириш, умумий ва алоҳида параметрлар асосида гуруҳлар кесимида таҳлил қилиш орқали олиб борилди.

**Натижалар:** Психологик муаммолар юқори даражада тарқалган: тахминан 45-50% беморларда депрессия ёки хавотир белгилари; 65-70% стигма билан боғлиқ ижтимоий муаммолар.

Ёшлар, аёллар, дорига чидамли ТБ бўлганлар, қайтган касалланган беморларда психологик ва ижтимоий муаммолар кўпроқ.

Ижтимоий ёрдам ва психологик консультациялар бўлган жойларда даволаш натижаси яхшиланган, даволашга риоя қилиш даражаси юқорилаган.

Муҳокама: Ўзбекистонда “psychosocial counselling” ва тиббий интервенциялар кенгаймоқда (MSF Nukus, USAID лойиҳалари) — бу яхши тенденциялар.

Аммо психологик ёрдам хизматлари ҳамма ҳудудларда бирдек мавжуд эмас; моддий ёрдам, транспорт ва иш имкониятлари чекланганлиги беморларда стрессни орттиради.

Стигма камайиши учун жамоатчилик маълумоти, медиа ролини ошириш, беморлар томонидан ўз фаоллигини ошириш лозим.

Дорига чидамли ТБда даволаш курси узок ва таъсири кучли бўлгани сабаб, психологик қўллаб-қувватлашни даволаш жараёнига эмас, даволашдан кейин ҳам давом эттириш зарур.

**Хулоса:** Психологик ёрдам хизматини жалб этиш — ҳар бир туберкулёз муассасасида психолог консультациялари, гуруҳ терапияси, мотивацион суҳбатлар ўтказилишини таъминлаш.

2. Ижтимоий ёрдам чоралари — беморларнинг транспорт харажатларини қамраб олиш, озиқ-овқат ёрдами, ишга қайтиш имкониятлари, оила ва жамоа қўллаб-қувватлашини кучайтириш.

3. Стигмага қарши дастурлар — оммавий ахборот воситалари, медиа кампаниялари, касаллик ҳақида маълумот бериш, беморларнинг ҳаёт воқеалари (сторителлинг) орқали жамоатчиликни тушунтириш.

